O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 30 май, № 104 (4257) Чоршанба

## ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЬ – ХОНАДОН КЎРКИ




*Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Файз” холдинг компанияси расмий кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда Германия, Россия, Малайзия, Польша, Индонезия, Туркия каби хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимизнинг 30 дан зиёд компания ва фирмалари ўз маҳсулот намуналари ҳамда хизмат турлари билан иштирок этмоқда.*

*Кўргазма павильонларини айланар экансиз, уларда мебелсозлик соҳасининг энг сўнгги ютуқлари намойиш этилаётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, қулай ва кўркам идора жиҳозлари, ошхона ва ётоқхона мебель тўпламлари, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда ёғочга ишлов бериш технологиялари бирор иштирокчини бефарқ қолдирмайди.*

*Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимиз мебелсозлик соҳасида кенг кўламдаги ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ўз таркибида 26 та мебель фабрикасини бирлаштирган “Файз” холдинг компанияси маҳсулотлари сифат кўрсаткичларига кўра, жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Айни чоғда “Олмалиқмебель” акциядорлик жамияти ва бошқа бир қанча қўшма корхоналар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган мебель жиҳозлари ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топмоқда.*

*— Ушбу кўргазмада илк бор иштирок этаяпмиз, — дейди Малайзиянинг “Статус” компанияси вакили Си Чанг Ёнг. — Очиғини айтганда, кўргазмага таклиф қилишгани ва бу ерга келганимдан хурсандман. Ўйлайманки, тадбир давомида ҳамкорларимиз билан тенг манфаатли алоқаларни йўлга қўямиз. Маҳсулотларимиз эса ўзбек хонадонларига янада кўрк, таровват бахш этади, деган умиддаман.*

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## «Навқирон Самарқандга таъзим»

*Кеча Самарқандда кўҳна шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишлаб фольклор-этнографик жамоаларнинг «Навқирон Самарқандга таъзим» деб номланган анъанавий республика кўрик-фестивали иш бошлади.*

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ғолиб деб топилган фольклор-этнографик жамоалар ўзаро беллашадилар.

Кўрик-фестивални ўтказишдан мақсад халқ оғзаки ижоди намуналари, ўз ҳудудига хос бўлган миллий анъаналар, удумлар ва қадимий халқ қўшиқлари, рақсларни ўрганиш ва уни ривожлантириш, ёшларда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматни янада ошириш, ўзбек халқининг олтин мероси бўлмиш фольклор асарларини кенг тарғиб этишдир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## Ю.Саркисянни “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг “Нефтчи” футбол жамоаси бош устози Юрий Вазгенович Саркисян “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 май

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## М.Қосимовни “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қўшоқович Қосимов “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 май

## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга мансуб болаларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, уларга таълим-тарбия беришнинг аҳволига оид масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Ижтимоий ҳимоя йилида юртимизда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилиб, болаларни мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этиш, уларга таълим-тарбия бериш, таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотига доир масалалар изчиллик билан ҳал этилаётир.

Қорақалпоғистон Республикасида ақли заиф, шунингдек, кар ва заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган 3- ва 4-махсус мактаб-интернатларнинг янги бинолари барпо этилиб, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг 10-мактаб-интернат биноси капитал реконструкция қилинди ҳамда мазкур таълим муассасалари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Нукус шаҳрида Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бухоро вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш фаолияти самарадорлигини ошириш, улар учун мослашувчан таълим тизимини яратиш, оила шароитида тарбияланаётган ногирон болаларнинг ижтимоий интеграциясини таъминлаш, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилаларга жойлаштиришнинг янги шаклларини ривожлантириш, ижтимоий ва

(Давоми 2-бетда).

# *Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

**1 ИЮНЬ — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни**

***Республика болалар кутубхонасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.***

## Меҳр-муҳаббат оғушида

Тадбир Халқ таълими вазирлиги, республика Таълим маркази ва “Меҳржон-спорт” жамоат хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Байрам дастурига пойтахтимиздаги «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган болалар таклиф этилди.

Йиғинда Успенский номидаги республика махсус академик лицейи ўқувчилари, "Jammy Boom" болалар шоу гуруҳи ҳамда Болалар ижодиёти маркази қошидаги “Ғунча” ансамбли жамоаси қатнашиб, куй-қўшиқ ва рақслари билан иштирокчиларни мамнун этишди.

— Бугунги байрам тадбири болажонларга қувонч ва шодлик улашишини чин дилдан истардик, — дейди кутубхона директори Ф.Бухарова. — Тилагимиз шуки, улар қалбида яхши кунлар, байрамлар туфайли эзгу ҳислар кучаяверсин.

Дарҳақиқат, шу куни болажонлар яна бир бор меҳр-муҳаббат оғушида эканликларини ҳис этдилар. Тадбир доирасида «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳамда спорт мусобақаси ўтказилди. Ғолибларга ҳомийлар совғалари ҳадя этилди.

**М. ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

*2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси*

**15,6 фоизга ўсди**



**Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилганлиги, айниқса, озиқ-овқат ва истеъмол товарлари, кимё маҳсулотлари ва энергия манбалари, қора ва рангли металлар прокати, машина ва ускуналар экспорти ҳажми кўпайганлиги бунинг омили бўлди.**

## Газчиларга туҳфа

***Яқинда “Устюртгаз” унитар шўъба корхонасида ишловчи саккиз оила меъморчиликнинг сўнгги андозалари асосида қурилган янги уйга кўчиб ўтди.***

Бундан бир муддат олдин ўнта оилага Беруний шаҳридаги шинам коттежлар тортиқ этилган эди. Шунингдек, газчилар фарзандлари учун Учсой шаҳарчасида замонавий болалар боғчаси ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси газчиларнинг турмуш шароитлари янада яхшиланиши, уларнинг унумли ишлашлари учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида Сурхондарё вилоятида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.***

**Фармон ва ижро**

Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида касаначилар сафини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни, чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига 3 минг 961 нафар хотин-қиз ишли бўлди. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг вилоят бўлими томонидан 146 нафар аёлга хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кредит ажратилди.

— Аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, улар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова. — Натижада оилавий ажралишлар, аёлларнинг жиноятчилик содир этиш ҳоллари анчагина камайди.

"Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари, Термиз давлат университети талаба қизлари ўртасида "Оқила қиз", "Она – оила гултожи", "Болаларнинг бегонаси бўлмайди" кўрик-танловлари ва хайрия тадбирлари ўтказилди.Спорт ҳафталиклари ташкил этилди.

Аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда, маънавий- маърифий тарғибот ишларини кучайтиришда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг хизмати катта. Шу боис уларнинг диний билим ва дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда ўқув семинари ўтказилаётир. Машғулотларда маслаҳатчилар ўзаро тажриба алмашиб, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар. Бу эса уларнинг иш фаолиятида ўз самарасини бераётир.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Қўшма корхонага – халқаро мукофот

***Испаниядаги нашриётлар ҳамда ушбу давлатдаги «Савдо етакчилари клуби» ҳамкорликда таъсис этган «Сифат учун» Халқаро мукофоти бу йил Жиззахдаги «ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига насиб этди.***

Аккумулятор батареялари ишлаб чиқараётган мазкур корхона маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Яқинда Париждаги «Меридиен Этуаль» меҳмонхонасида ушбу мукофот «ЎзЭксайд» қўшма корхонаси бош директори Кудратилла Рафиқовга топширилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Сўнгги соатда**

***Францияда теннис бўйича “Катта дубулға” туркумига кирувчи дунёдаги энг нуфузли тўртта турнирлардан бири — “Ролан Гаррос” (Франция очиқ чемпионати) қизғин давом этмоқда.***

## Оқгул кейинги босқичда

Ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова мусобақанинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтганлиги ҳақида хабар бергандик. Оқгул кеча бўлиб ўтган биринчи тур ўйинларида америкалик тажрибали теннисчи Вания Кингни 7/6, (7/5), 4/6, 6/3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи даврага йўл олди. У навбатдаги турда турнирнинг олтинчи рақамли ракеткаси чехиялик Никол Вайдисовага қарши кортга чиқади.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Эътибор ва ғамхўрлик

**Мустақилликнинг илк йилларидан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёш авлодни она-Ватанга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ҳар томонлама камол топиши йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**



Айни кунларда юртимизда "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор" шиори остида ўтаётган ҳафталик бу борадаги ишлар кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Фарғона вилоятида ҳам мазкур ҳафталикни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Бугунги кунда вилоят аҳолисининг 37 фоизини болалар ташкил этади. Улар мактабгача таълим-тарбия муассасаларида, мактабларда замонавий шарт-шароитларда билим олаётир. Шунингдек, 21 та ижтимоий таъминот муассасасида тарбияланаётган болаларга ҳам алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ушбу муассасаларда саховатпеша инсонлар ташаббуси ва ҳомийлигида байрам тадбирлари ўтказилаётир. Фарғона шаҳридаги «Гўдаклар уйи», Марғилон ҳамда Қўқон шаҳридаги «Меҳрибонлик уйлари»да ўтган шодиёналар болалар қалбига олам-олам қувонч бағишлади.

## Коллежнинг ўз цехи бор

**Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 80 дан зиёд касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда ёшларнинг замонавий педагогик технологиялар асосида билим олиши, ўзлари танлаган йўналиш бўйича етук мутахассис бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароит яратилган.**

Пскент туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 900 га яқин ўқувчи агрономия, ўсимликшунослик, фермер хўжаликларини юритиш, бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, информацион ва коммуникацион технологиялар, молия ва банк иши каби йўналишлар бўйича таҳсил олмоқда.

Коллежнинг 25 гектар майдонни эгаллаган ўқув-тажриба хўжалигида ўқувчилар ўзлари етиштирган янги навларни синовдан ўтказиши мумкин.

Яқинда бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи барпо этилди. Ойига уч миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур цехда томат пастаси, мева-сабзавотлар шарбатлари, кетчуп, қуйилтирилган сут тайёрланмоқда. Бу ерда ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишиб, ўқув амалиётини ўтайди.

**Аҳолининг бандлик даражасини оширишда касаначиликни ривожлантириш муҳим ўрин тутади.**

## Касаначиликнинг имконияти кенг

Навоий вилоятининг Хатирчи тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 300 дан зиёд касаначи иш билан таъминланган. Уларнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Хатирчи пахта тозалаш заводи, "Хатирчи ипаги", "Хатирчи нон" масъулияти чекланган жамиятлари асосан тикувчи аёлларни касаначилик меҳнатига жалб этди. "Лангар ЎзРос" қўшма корхонасида эса иш кийими тикувчилар билан бирга темирчилар ҳам касаначи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиб бериш корхоналар маъмурияти диққат марказида турибди.

Туманда йил охиригача касаначилар сонини 700 нафардан ошириш мўлжалланмоқда.

## 221 оила қувончи

**Янгиқўрғон тумани давлат солиқ идорасининг ҳиммати билан янгиқўрғонлик Абдуллажон Аҳмедов хонадони дастурхонидан сут-қатиқ узилмайдиган бўлди.**

Солиқчилар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага сигир олиб беришди. Эндиликда бу сингари савоб ишлар кўпчилик меҳнат жамоалари, тадбиркорлар томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳомийлар кўмаги билан кейинги пайтларда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 221 оила ўз сигирига эга бўлди. Бундан ташқари, молиявий муассасалар мижозларга қорамол сотиб олиш учун 85 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдилар. Биргина «Бандлик» жамғармасининг жорий йил тўрт ойида шу мақсадда ажратган маблағи 57,6 миллион сўмни ташкил этди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 29 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1032,16 | 1 Малайзия ринггити | 372,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2500,75 | 1 Польша злотийси | 444,90 |
| | | 1 СДР | 1907,08 |
| 1 Дания кронаси | 227,67 | 1 Туркия лираси | 947,22 |
| 1 БАА дирҳами | 343,24 | 1 Швейцария франки | 1027,28 |
| 1 АҚШ доллари | 1260,27 | 1 ЕВРО | 1695,82 |
| 1 Миср фунти | 221,68 | 10 Жанубий Корея вони | 13,56 |
| 1 Исландия кронаси | 20,37 | 10 Япония иенаси | 103,62 |
| 1 Канада доллари | 1167,35 | 1 Россия рубли | 48,63 |
| 1 Хитой юани | 164,77 | 1 Украина гривнаси | 249,56 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳуқуқий жиҳатдан ..атарли гуруҳларга мансуб болаларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳаитовнинг оналик ва боликни муҳофаза қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг самарадорлигини оширишга доир ҳисоботлари тингланди.

Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

***Маънавий-маърифий тарғиботни такомиллаштириш ҳақида ўйлар эканман, ёдимга бултур ёзда педагогика коллежида ўтказилган битирувчилар маросимида сўз олган талаба қизнинг айтганлари тушади:***

## КЎНГИЛ ГАВҲАРИ

— Истиқлолни миллат манглайидаги қуёшга ўхшатгим келади. Унинг нурларидан баҳра олган инсон борки, иродаси бақувват, иймони бутун бўлади. Чунки тўғри парваришдан қаддини тутиб олган ниҳолни эгиш қийин бўлгани сингари ҳаётбахш ғояларни маёқ билган инсонни ҳам ўзга йўлга солиш мушкул. Миллий ғоя, маънавий-маърифий амаллар кўринишидаги бу нурни ўсиб келаётган ёш авлод қалбига олиб кириш эса кенг жамоатчилик, энг аввало, ўқитувчи-мураббийларнинг бурчи, долзарб вазифаси.

Чиндан ҳам, кишида умуминсоний қадриятларга садоқат, маънавий меросни улуғлаш ва асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғуларини тарбияловчи бош омил — маънавиятни шакллантирмай туриб, жамият равнақ топиши, унинг аъзолари камолга етиши қийин. Мамлакатимизда маънавият-маърифатни ривожлантириш йўлида кўп ва хўб ишлар амалга оширилаётгани ҳам шундан. Ўтган йили августда Президентимиз томонидан имзоланган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарор эса ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Вилоятимизда мазкур Қарор мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, тарғиботнинг муайян тизими самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Кўнгилдан айтилган гап суҳбатдош юрагига кириб боради, унинг қалб мулкига айланади. Шу жиҳатдан олганда, маънавий фаолиятни аҳоли турли қатламлари билан очиқ мулоқотлар, ўқув ва давра суҳбатлари тарзида ташкил этаётганимиз ўзини оқлаяпти. Воизлар таркибида вилоят ҳокимидан тортиб, олиму шифокоргача, муҳандису ёшлар етакчисигача бор. Айтайлик, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Исоқовнинг «Наманган» иборасининг луғавий маъноси билан бошланадиган суҳбатларини олайлик. Она юрт тарихи,

**▼ Қарор ва ижро**

анъана ва урф-одатларимиз билимдони бўлган бу олим чиқишларининг ҳар бири, хоҳ у талабалар ҳузурларида, хоҳ вилоятнинг олис қишлоғи аҳли ҳузурида бўлсин, ўзига хос таассурот қолдиради. Янгиқўрғон туманидаги чегара қишлоқ — Кўкёрнинг «Муғол» маҳалласидаги учрашув эса бу ерда яшайдиган икки халқ — қирғиз ва ўзбеклар учун бирдай қадрли бўлди.

Айни пайтда вилоятда элликдан ортиқ газета-журнал, иккита телевидение фаолият кўрсатмоқда. Кенг қамровли бу минбарга тарғиботнинг энг изчил воситаси, дея ёндашаётганимиз ўз самарасини бераётир. Юқоридаги Қарор тарғиботини янада кучайтириш мақсадида жорий йил бошида журналистлар билан учрашув-мулоқот ташкил этилди. Унинг якунида қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари — ҳаёт кўзгуси» дастури фаолиятни янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб берди.

Бой тарих, аждодлар мероси, авлодлар анъанаси, боқий қадриятлар. Булар маънавий бойлигимиз, ҳар қанча ўргансак, асраб-авайласак, шунча оз. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан жорий йилнинг феврали «Маънавият ва маърифат ойлиги» дея эълон қилинганида Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари алломалар ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, тарғибот борасидаги ҳаракатларимиз самарадорлиги, ҳаётийлигини ошириш борасида янгича қадамлар ташлаш кўзда тутилганди. Шоҳ ва шоир Бобурнинг болалиги кечган Ахсикентда уюштирилган тадбирлар, жойлардаги навоийхонликлар ойликка алоҳида мазмун бахш этган бўлса, Бобораҳим Машрабнинг устози Мулла Бозор Охунд мақбараси таъмирига киришилгани маънавий меросимизга иззат-икром ортаётганини кўрсатди.

Ўтказилган тадбирлар республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида мувофиқлаштирилади. Айни пайтда улар замонавий хона, алоқа ва электрон воситалар билан таъминланган. Вилоятда ташкил этилган умумхалқ ҳашаридан тушган 75 миллион сўм маблағ ҳам қўшимча жиҳоз ва воситалар сотиб олишга ажратилди.

**Тоҳиржон ДЕДАХОНОВ, Наманган вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси.**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

**▼ Ислоҳот**



*Президентимиз таъкидлаганидек, корхоналарда эскирган техника ва дастгоҳларни сақлаб туришнинг ўзига сарфланаётган харажатлар уларнинг ўрнига янги ускуналарни сотиб олишдан қимматга тушмоқда. Шу боис Андижон вилоятидаги зарар кўриб ишлаётган трикотаж фабрикаси негизида «Олтинкўл текстил» қўшма корхонаси ташкил этилди. Ҳозиргача бу ерда трикотаж матоси ва бўёқ ишлаб чиқариш цехлари қурилди, гул босиш дастгоҳлари ўрнатилди. Тез орада эса янги корхонага 300 та замонавий тикув машинаси ҳам келтирилади.*

*Бу ишлар ниҳоясига етгач, қўшма корхона бир йилда 3350 тонна калава ипдан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, унинг 50 фоизини экспорт қилиш қувватига эга бўлади. 3 сменада 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар ишлайди.*

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Лазокат Ҳайдарова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

***Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжонда ОИВ/ОИТС профилактикаси, касалликни даволаш ва бу йўналишдаги хизматлар таъминланиши билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган минтақавий маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНОДК) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

## ОИТСга қарши кураш маслаҳат учрашуви кун тартибида

Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган соҳа мутасаддилари, етакчи экспертлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, ОИТС марказлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар томонидан амалиётга татбиқ этиб келинаётган турли лойиҳаларнинг мувофиқлаштирувчилари иштирок этди.

ЮНОДКнинг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Жеймс Каллахан учрашувни очар экан, бу каби муҳим тадбирнинг айнан Тошкентда ўтказилаётгани бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлади.

— Бинобарин, Ўзбекистонда ОИТСга қарши кураш борасида катта тажриба тўпланган, — деди Ж.Каллахан. — Бизга яхши маълумки, бу масала Ўзбекистон ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

— Албатта, бу каби халқаро лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш учун Ўзбекистонда барча шарт-шароитлар мавжуддир, — деди Ўзбекистон Республикаси ОИТС маркази директори Гўзал Гиясова. — Бажарилиши зарур бўлган барча тадбирларни ўзида мужассам этган Давлат стратегик режаси ишлаб чиқилган. Бу дардга чалинганларни аниқлаш, улар мониторингини олиб бориш, шунингдек, касалликнинг инъекцион наркотиклардан фойдаланувчилар орасида ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқдамиз. Республикамизнинг барча ҳудудида 233 та ишонч пунктлари мунтазам фаолият кўрсатаётир.

Тадбирда турли мамлакатлардан келган мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан атрофлича ўзаро фикр алмашдилар.

**Лазиз РАҲМАТОВ, «Жаҳон» АА мухбири.**





**Таҳририятимизга ҳар куни республикамизнинг турли минтақаларидан хат-хабарлар келиб туради. Уларда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг бўй кўрсатаётгани эътироф этилади. Айрим мактубларда эса жойларда йўл қўйилаётган камчиликлар, баъзи муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаётганлиги тилга олинади. Бундай хатлар мутасадди ташкилотларга ўрганиш учун юборилади. Қуйида таҳририятга келган номалар ва уларни ўрганиш натижасида кўрилган чоралар ҳақидаги айрим жавоблар билан танишасиз.**

## АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНАДИ

**Таҳририятга келган мактубдан:**

*«Бир неча йилдан бери «Лойқасой» қишлоқ врачлик пунктида ишлаб келмоқдамиз. Ҳукуматимиз меҳнатимизни қадрлаб, иш ҳақини оширди. Бироқ маошимизни ўз вақтида олишда муаммоларга дуч келяпмиз.*

**У.МИРЗАЕВ ва бошқалар.**
Қамаши тумани».

**Таҳририятга келган расмий жавобдан:**

«Қамаши туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда туман марказий шифохонасининг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларидан фойдаланиб, 2006 йил май, июнь, октябрь ва ноябрь ойларида тузилган тўлов қайдномаларини ва касса чиқим ордерларини қалбакилаштириб, шифохона ишчиларининг жами 62194114 сўмлик иш ҳақи маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, жамоа манфаатларига катта миқдорда зарар етказганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Туман марказий шифохонаси бош врачи Б.Мойлиев ва хазиначи А.Раҳматовлар жиноят ишида айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинди.

**Қамаши тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Ш.ЖУМАҚУЛОВ».**

## ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

**Таҳририятга келган хатдан:**

*«Данғара тумани «Ишонч» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича 16-лойиҳа танловида Ж.Қорабоев ноқонуний ғолиб бўлди. Туман раҳбариятининг бу ишларидан норози бўлиб, ариза битишга мажбур бўлдим.*

**И.ЮНУСОВ.**
Фарғона вилояти».

**Таҳририятга келган расмий жавобдан:**

«16-лойиҳа бўйича ўтказилган қайта танлов ҳужжатлари туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом» талаблари бузилганлиги аниқланган. Танловда Ж.Қорабоевнинг ўрнига ишончнома орқали бошқа фуқаро иштирок этган. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан протест киритилиб, Ж.Қорабоевни танлов ғолиби деб топиш ҳақидаги қарор бекор қилинган ҳамда 19,7 гектар ер майдони туман захирасига олинган. Туман қайта ташкил этиш комиссияси раиси М.Мирзамаҳмудовга танловни ўтказишда йўл қўйган камчиликлари учун интизомий жазо чораси қўлланган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи А.МАДАМИНОВ».**

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

## ИЖРО ТАЪМИНЛАНДИ

**Таҳририятга келган хатдан:**

*«Фарғона вилояти хўжалик судининг 2004 йил январь ойидаги ҳал қилув қарорига асосан, қарздор Шаҳрихон туманидаги ДАЖ МТП ҳисобидан хусусий тадбиркор, яъни менинг фойдамга 10,5 миллион сўм ундириш кўрсатилган эди. Бироқ 2007 йил февраль ойидаги ижро варақаси ҳали-ҳануз ижро қилинмаяпти. Суд қарорларининг ижросини таъминлашда ва қонун бузилишини бартараф этишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.*

**Р.НОРҚЎЗИЕВ, хусусий тадбиркор.**
Андижон вилояти».

**Таҳририятга келган расмий жавобдан:**

Суд қарорига асосан берилган ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Шаҳрихон туман бўлими юритувига 2004 йил март ойида келиб тушган ва ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиниб, томонларга юборилган. Мазкур ҳужжат суд ижрочиларининг Шаҳрихон туман бўлими суд ижрочиси Н.Қамбаровнинг иш юритувига топширилган. 2004 йил май ойидаги далолатномага асосан, қарздор Шаҳрихон туман ДАЖ МТПнинг 9 хил мол-мулки рўйхатга олинган ва тегишли тартибда баҳолатилиб, «Ким ошди», савдосига чиқарилган. Мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида сотувдан тушган пул маблағлари — 3,5 млн. сўм ундирувчи ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Шунингдек, Р.Норқўзиевнинг 2007 йил март ойидаги аризасига кўра, мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилиб, кўрилган чоралар натижасида қарздордан пул суммаси тўлиқ ундирилиб, ижро таъминланди.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари Ш.ТАДЖИБАЕВ».**

## Қисқа сатрларда

### Дўстлик анжумани

***Қўрғонтепа туманида ёшларнинг дўстлик форуми бўлиб ўтди.***

Туманда яшаётган барча миллат вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда дўстлик ва биродарликнинг аҳамияти, қудрати ҳақида сўз юритилди. Тадбир халқ сайлига айланиб кетди.

### Маслаҳатчилар маслаҳатлашди

***Қашқадарёда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг вилоят анжумани бўлди.***

Унда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, она ва бола саломатлиги муҳофазасига оид маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган тадбиркорлик ишлари кўргазмасида хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилди.

### Болалар ардоқда

***Пойтахтимиздаги Ўзбек Давлат циркида хайрия концерти бўлиб ўтди. У халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.***

Тошкент шаҳридаги «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирок этган ушбу тадбирга "Севинч", "Феруз", "Марварид", "Сезам" болалар гуруҳларининг шўх-шодон куй-қўшиқлари ўзгача файз киритди.

### Тасвирий санъат кўргазмаси

***Бухородаги Ибн Сино номли маданият саройида республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, республика Байналмилал маданий маркази вилоят ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида фото ва тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди.***

Унда мамлактимизда яшаб ижод этаётган турли миллат вакилларидан иборат санъат ихлосмандлари иштирок этишди. Кўргазма мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланди.

### Бўёқларда мужассам олам

Термизда республика Ногиронлар жамияти вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси Халқ ижодиёти вилоят илмий-методик маркази билан ҳамкорликда ногирон болалар ўртасида "Мафтункор бўёқлар дунёси" деб номланган расмлар танлови ўтказилди. Унда туман ва шаҳар босқичларининг ғолиблари бўлган ёш мусаввирлар иштирок этишди.

**Хабарларни М. ХОЛМАТОВА ва М. КАРИМОВА тайёрлади.**

***Мамлакатимизда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Айниқса, жойларда мини банклар тармоғининг кўпайтирилаётгани, хизмат маданиятининг яхшиланаётгани акциядорлар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишга йўл очаяпти. Бу эса иқтисодиёт, хусусан, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига хизмат қилаяпти. Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва унинг жойлардаги филиалларининг фаолияти бунга ёрқин мисолдир.***

# МИЖОЗ ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

— Банк ва филиалларимизда стратегик ривожланиш бизнес-режаси кўрсаткичлари доимий равишда бажарилаяпти, — дейди мазкур бошқарма бошлиғи Бадриддин Насриев. — Шу боис уларнинг банк хизматлари бозоридаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб, мижозларнинг банкка бўлган ишончи янада ортмоқда. Мисол учун, ўтган йил 1 май ҳолатига кўра, банкнинг жами капитали 6,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, орадан бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 7,3 миллиард сўмга етди. Яъни роппа-роса 1 миллиард сўм миқдорида ўсишга эришилди.




Банкнинг жами активлари ҳам кўпаяётир. Айниқса, активлар бир йил давомида 26,6 фоизга ошганлиги қувончли ҳол. Айтайлик, у 2006 йилнинг тўрт ой якуни бўйича 39,8 миллиард сўмни ташкил этган эди. Жорий йилнинг 1 майига келиб эса, у 50,4 миллиард сўмга етди.




Таъкидлаш жоизки, бошқарма ва унинг филиаллари халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхона ва ташкилотларга малакали банк хизмати кўрсатиб келаяпти. Янги ташкил этилган хўжалик субъектларига эса ўз вақтида ҳисоб рақамлари очилиб, мақсадли кредитлар ажратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит маблағлари ҳисобидан 150 дан зиёд техника воситалари олиб берилди. Бунинг учун 5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ваҳолангки, ўтган йилнинг шу даврида 60 та қишлоқ хўжалик техникаси учун 1,8 миллиард сўм маблағ сарфланганди. Демак, бу борада ҳам ўсиш яққол кўзга ташланмоқда.




Кредит ҳисобига олинадиган қишлоқ хўжалик техикалари, аввало, фермерларнинг талаб ва истаклари асосида танланаяпти. Жумладан, Германиядаги «Клаас» компаниясининг 11 та «Доминатор-130» русумли дон ўриш комбайни учун 1,4 миллиард сўм, 60 та «ТТЗ» русумли трактор учун 1,2 миллиард сўм, 19 та «МТЗ-80» трактор учун 346,2 миллион сўм, 38 та «2ПТС-4» русумли тиркама учун 171 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, вилоятда 2007 йил ғалла ўримини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ҳамда мавсумга тайёргарликни кучайтириш мақсадида «Агромашсервис» бирлашмасига қарашли машина-трактор паркларига қарийб 1,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ғаллазорларни занг касаллиги ва бегона ўтлардан сақлаш мақсадида эса, ўсимликларни ҳимоя қилиш марказларига 450 миллион сўмдан ортиқроқ кредит берилди. Бу маблағларга 4,5 минг тоннадан зиёд кимёвий дорилар харид қилинди.

Пиллачилик тармоғини ривожлантириш учун ҳам 800 миллион сўмдан зиёдроқ кредит ва аванс маблағлари ажратилди. Ана шу маблағнинг 500 миллион сўми банк филиаллари томонидан пиллакорларга нақд пул тарзида етказилиб берилди.

**Банк тизими**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 387 та кичик бизнес субъектига 1,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 38 фоиз кўпдир. Кредитлар эса халқ хўжалигининг реал секторларига жойлаштирилди.

2007 йилнинг тўрт ойида, шунингдек, банк филиалларида 39,7 миллиард сўм нақд пул кирим қилиниб, тушум 15,4 миллиард сўмни ташкил этди. Яъни бу кўрсаткич белгиланганидан 24,3 миллиард сўмга ёки 157,7 фоизга ошди.

Айни чоғда шу даврда чакана савдо ташкилотлари томонидан филиалларга харидоргир ва тез сотиладиган маҳсулотларни сотиб олиш учун 5,4 миллиард сўмлик ўрнига 5,9 миллиард сўм нақд пул топширилди. Бу ўтказилган маблағга нисбатан 0,5 миллиард сўм кўпдир.

Банкка аҳоли омонатларини жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилнинг 1 майида 3,8 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 6,2 миллиард сўмга етди. Аниқроғи, бир йил давомида 2,4 миллиард сўмга ёки 163 фоизга ўсишга эришилди.




Бундан ташқари, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ҳамда аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа нуқталарга жами 175 та, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 70 та кўп терминал ўрнатилди. Аҳолига эса 50 мингдан зиёд пластик карточкалар тарқатилди.




Ўтган йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида пластик карточкаларга 1,1 миллиард сўм маблағ жалб қилинган, терминаллар орқали савдо айланмалари 325,8 миллион сўмни ташкил этиб, пластик карточкаларда маблағлар қолдиғи эса 246,5 миллион сўм бўлган эди. 2007 йилда эса пластик карточкаларга жалб этилган маблағ 2,6 миллиард сўмни, терминаллар орқали савдо айланмалари 1,1 миллиард сўмни, пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи эса 815,3 миллион сўмни ташкил қилди.




Шу билан бирга, банк филиаллари шартномалар асосида савдо кўргазмаларидан 40 дан зиёд фермер хўжаликларига 1,3 миллиард сўмлик «Олтой» ва «Беларусь» тракторлари ҳамда бошқа техникалар воситаларини кредит ҳисобидан олиб берди. Жумладан, Пайариқ туманидаги «Олмосбек-ДЗ», Каттақўрғон туманидаги «Раҳмат Ўроқов», «Тожинорбегим», Тайлоқ туманидаги «Дулонбобо», Оқдарё туманидаги «Баҳромбобо» ва «Чорбоғтепа» каби фермер хўжаликлари банкнинг шундай хизматидан баҳраманд бўлди.

Фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектларининг мини технологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш бўйича 1,2 миллиард сўмлик 15 та лойиҳаси ҳам молиялаштирилди.

Чунончи, Жомбой туманидаги «Жакфа-Агро-Мир» корхонасига макарон ишлаб чиқариш ускунаси, Пахтачи туманидаги «Родник Пахтачи» қўшма корхонасига ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган мини завод, Пастдарғом туманидаги «Унумдор» фермер хўжалигига мева-сабзавотларни қуритиш ускуналари банк кредитлари ҳисобидан олиб берилди.

Акционерлик тижорат «Пахтабанк»ининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари жамоалари айни кунларда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, бундан кейин ҳам акциядорлар ва бошқа мижозларга кенг кўламли банк хизмати кўрсатиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Сайлов масаласи парламент муҳокамасида



Украина Олий Радаси шу йилнинг 30 сентябрь куни муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказиш юзасидан қонун лойиҳасини ўрганиб чиқишни бошлади. Ушбу масалада мамлакат Президенти, Бош вазир ва Олий Рада спикери ўртасида келишувга эришилган. Спикер Александр Мороз яқин икки кун давомида сайлов ўтказиш бўйича барча керакли ҳужжатлар қабул қилинишига умид билдирди.

### Саммит арафасида

**Гамбург шаҳрида ўтказилиши кутилаётган «Катта саккизлик» давлатлари саммити арафасида глобализмга қарши кучларнинг намойиши бўлиб ўтмоқда. Полиция тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида 24 кишини қамоққа олди ҳамда яна 64 киши вақтинча ушлаб турилмоқда. Эслатиб ўтамиз, «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг анъанавий йиллик учрашуви жорий йилнинг 6-8 июнь кунлари «Хайлигендамм» дам олиш масканида ўтказилади.**

### Жазо чораларини кучайтирмоқчи

***АҚШ Дарфурда давом этаётган зиддиятлар туфайли Судан ҳукуматига қарши жиддий жазо чоралари қўлламоқчи.***

Бу ҳақда журналистларга мамлакат маъмурияти вакили расман маълум қилди.

Манбада келтирилишича, Вашингтон бундан ташқари, БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳам ушбу масалада резолюция лойиҳасини тақдим этмоқчи. Оқ уй Америка билан савдо-сотиқ қилиши тақиқланган Судан компаниялари рўйхатини кенгайтиришни режалаштираяпти.

Эслатиб ўтамиз, Судан ҳукумати Дарфурга тинчликпарвар кучларнинг киришига рухсат бермаяпти.



### Инфляция сабаби

Зимбабве ҳукумати мамлакатдаги хорижий компаниялар назорат акция пакети фуқаролар қўлига ўтиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрламоқда. Бундан бир неча йил олдин ҳам ҳукумат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи компаниялар ва фирмаларни хорижликлардан олиб, мамлакат фуқароларига берганди. Оқибатда мамлакатда озиқ-овқат тақчиллиги юзага келди, инфляция даражаси ошиб кетди.

### Порахўрга шафқат йўқ

***Хитойда Озиқ-овқат ва дори-дармонлар масалалари бўйича шуғулланувчи давлат агентлигининг собиқ раҳбари ўлим жазосига ҳукм этилди.***

Чжэн Сяоюй пора олганликда ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилганликда айбдор деб топилди. 62 ёшли Чжэн 2005 йилда ўз хизмат лавозимидан четлаштирилганди. Собиқ раҳбар дори-дармонларни истеъмолга чиқариш ҳуқуқини берувчи рухсатнома эвазига етти йил давомида 650 минг долларлик пора олган.

### Тартиб ўрнатиш учун

***Афғонистон полицияси Шибирғон шаҳрида рўй берган оммавий тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида 13 кишини отиб ташлади, 35 киши жароҳатланди.***



Намойишчилар маҳаллий губернаторга қарши чиқишмоқда. Уларнинг фикрича, Жума Хон Ҳамдард ҳукумат тепасида қолиши мумкин эмас. Гувоҳларнинг айтишича, одамлар губернатор идорасига бостириб киришга ҳаракат қилганида полиция уларга қарата ўқ узган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## КЕКСАЛАР — ИЗЗАТДА

Қарияларни қадрлаш, ўзгалар ёрдамига муҳтож юртдошларимизга ғамхўрлик кўрсатиш — халқимизга хос эзгу фазилат бўлиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борадаги тадбирлар изчил амалга оширилаётир. Воҳада истиқомат қилувчи 160 минг нафардан зиёд отахон ва онахон ҳолидан хабар олиш, уларнинг сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаши учун зарур шарт-шароит яратиш, тарихий шаҳарлар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатини уюштириш шундай ишлар сирасига киради.

Термиз шаҳридаги "Юлдуз" маҳалласида яшовчи 60 га яқин нуронийлар 2750 йиллик қутлуғ тўйи арафасида турган қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдилар.

— Саёҳат давомида отахон ва онахонларимиз Имом Бухорий, Шоҳизинда мажмуалари, Регистон майдони, Бибихоним масжиди ва бошқа бир қатор ёдгорликларни томоша қилдилар, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Озода Тўраева. — Шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари уларда катта таассурот қолдирди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**

HAMKORBANK

«БАРҚАРОР»

омонатини таклиф этади.

- Энг кам бадал — 100 000 сўм.
- Сақлаш муддати — 3 ой.
- Фоизларни ҳар ойда олишингиз мумкин.
- Омонатингиз сир сақланиши кафолатланади.

«Ҳамкорбанк» билан юксалиш сари!

Маълумот учун бош офисдаги (8-374) 224-70-39, 224-70-91, 224-74-18 телефонларига ёки банкнинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.




«SITWET INVEST» ҚК

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омборда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:
- *фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пиёз, карам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;*
- *фермер ва деҳқонлар учун хўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);*
- *сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);*
- *юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).*

*Маҳсулотлар сертификатланган.*
*Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда.*

Телефонлар: 135-09-28, 142-50-34.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Лабзак» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.

ТАШКИЛОТ БЎШ (ВАКАНТ) ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

БОШ ДИРЕКТОР ЁРДАМЧИСИ

*Талаблар:*
- *маълумоти — олий, жаҳон тиллари университетини тамомлаган бўлса, мақсадга мувофиқ;*
- *ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукаммал билиши;*
- *«В» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;*
- *ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак.*

**Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.**

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

*Талаблар:*
- *маълумоти — олий;*
- *меҳнат стажи — камида 5 йил;*
- *ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;*
- *ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.*

Қизиқиш билдирган номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факслар орқали юборишлари мумкин: (998 71) 150-01-11, 150-11-55, 150-54-31.
E-mail: chermetgroup@etc.uz

## ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

### Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссияси

**«НАВОИЙАЗОТ» ОАЖ барча акцияларининг 49 (қирқ тўққиз) фоизини ташкил этувчи 369 311 (уч юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн бир) дона оддий акциялар пакетини сотиш юзасидан эълон қилинган тендер бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 22 июнгача узайтирилганлигини маълум қилади.** Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 60 009 600 (олтмиш миллион тўққиз минг олти юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 42 000 000 (қирқ икки миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар бу ҳақдаги аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер ҳужжатларининг нархи — 2 000 (икки минг) АҚШ доллари. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Марказий операцион бўлими валюта ҳисоб рақами 20203840900600289004 ёки 20203000800600289002 ҳисоб рақами, ИНН 201122696, банк коди 00882, 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй. S.W.I.F.T. коди — NBFAUZ2X.**

Тендер иштирокчилари белгиланган муддат ичида икки конвертдан иборат (биринчи конверт — ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва квалификацион маълумотлар ва иккинчи конверт — молиявий таклиф) тендер таклифи жойлаштирилган пакетни қуйида кўрсатилган манзилга тақдим этишлари керак.

**Тендер ғолибини аниқлаш жараёни икки босқичдан иборат бўлади:**

— ваколатли комиссия томонидан биринчи конвертнинг очилиши ва тендер иштирокчиларини стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун ҳужжатларни Идоралараро ишчи гуруҳига тақдим этиш;

— Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан квалификацион талабларга жавоб берадиган тендер иштирокчиларининг молиявий таклифларини очиш ва баҳолаш ҳамда ғолибни аниқлаш мақсадида натижаларни Давлат тендер комиссиясига киритиш.

Квалификацион талабларга жавоб берадиган, юқорида келтирилган акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Илгари тендерда иштирок этган ва тендер таклифини тақдим этган инвесторлар ўз таклифларини кучда қолдиришлари ёки ўрнига янги таклифларини ҳеч қандай қўшимча тўловсиз қуйида келтирилган муддатгача тақдим этиш имкониятига эгалар.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 22 июнда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларининг биринчи конвертини очиш 2007 йил 22 июнда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади. Тендер таклифларининг иккинчи конвертини очиш тендер иштирокчиларини стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолашдан сўнг Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисида бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини белгиланган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**

**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

## NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

### State commission for conducting tenders on the sale of the state property to the foreign investors

hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till June 22, 2007 of the previously announced tender for sale 369 311 (Three hundred sixty nine thousand and three hundred eleven) shares of common stock of **Joint Stock Company "NAVOIAZOT"** constituting the aggregate of 49% of the Company's total issued shares with starting bidding price not less than **60 009 600** (sixty million nine thousand and six hundred) US Dollars and investment requirements 42 000 000 (forty two million) US Dollars.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case - by - Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

**The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred to the account stated below.**
**USD Account № 20203840900600289004 or**
**UZS Account № 20203000800600289002**
**in the Central operational department of the National Bank for FEA of the Republic of Uzbekistan,**
**TIN 201122696, bank code 00882, A.Timur str., 101, Tashkent, 100084**
**SWIFT code: NBFAUZ2X**

Tender participants within given period of time shall submit a package of Tender Bid, containing two envelope: the first envelope — "Legal Authority and Qualification Information" and the second envelope — "Financial Proposal" to the address, indicated below.

**The selection of winner will be carried out in two stages:**

1. Opening of the first envelope by the authorized commission and submission the materials to the Interdepartmental Working Group for estimation of conformity of tender participants to the qualification requirements, presented to strategic investors;
2. Opening and estimation of financial proposals of the qualified participants by the Interdepartmental Working Group and submission of the results to the State Tender Commission for determination of the winner.

The preference will be given to the tender participant, which conforms to qualification criteria, ready to offer the highest bid for the above mentioned shares and take upon the highest value of investment obligations.

The investors that have participated in the tender and have submitted their Bids earlier have the right to keep their Bids in force or to submit new ones instead without any additional payment before the deadlines indicated below.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on June 22, 2007.

Opening of the first envelope of the Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on June 22, 2007. Opening of the second envelope will be held after estimation of conformity of tender participants to the qualification requirements at the meeting of Interdepartmental Working Group.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

**For all issues related to the tender, please contact:**

**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistanskaya str. 55**
**100003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov**
**Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**E-mail: ccpbuz@tps.uz**

*Мухтарам хонимлар ва жаноблар!*

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ**

**«ПАХТАБАНК»ининг**

**акцияларини харид қилиб мулкдорга айланинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!**

***Эслатиб ўтамиз!***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари **2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган**.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- ***юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;***
- ***фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.***

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

**«Пахтабанк» акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг «А» тоифасидаги расмий листингида бўлиб, бу энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.**

*Имкониятларни қўлдан бой берманг!*
*Даромадингизни янада кўпайтиринг.*

**Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (8371) 173-25-51.**

**«Пахтабанк» — фаровонлигингиз калитидир!**

**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.**
**Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

**MANAGEMENT CONSULTING**

**Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш**

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

**Компания мижозлари:**
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хизматлар лицензияланган

**Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ**

**2007 йил 3 июль куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда:**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 9 апрелдаги 10-0710/4136-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 89-уйда жойлашган «MARAL» ХИЧТФга тегишли жами 407 кв.м.дан ташкил топган кафе, унга туташ сартарошхона ва офис биноси.

***Бошланғич баҳоси — 45 140 210 сўм 20 тийин.***

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 23 майдаги 521/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уйда жойлашган «SHOABBOS» МЧЖга тегишли 369 кв.м.дан ташкил топган 2 қаватли тозалаш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 20 654 600 сўм.***

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан 2006 йил 14 апрелдаги 4057-58/12-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқов кўчаси, 15-уйда жойлашган «Ўзйўлмашсервис» ИИЧТКга тегишли қоровулхона ва маъмурий бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 79 158 950 сўм.***

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт.

**Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-94.** Лицензия DB001-000010.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси меҳнат фахрийси **Убайдулло УСМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси тиббий педагогика факультети «Умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш, эндокринология ва клиник аллергология» кафедрасининг собиқ доценти, тиббиёт фанлари номзоди **Людмила Руслановна ВАХИДОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Термоком» МЧЖ жамоаси бош директор Хушнуд Йўлдошевга падари бузруквори **Содиқжонхўжа ота ЙЎЛДОШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Танлов

# Халқ ижоди – ёшлар ижросида

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан муттасил ўтказиб келинаётган "Барҳаёт анъаналар" фольклор фестивалидан мақсад ёшларда миллий қадриятлар, тарихимиз ва урф-одатларимизга бўлган эҳтиромни юксалтиришдир.***

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган фестиваль-танловнинг якуний босқичида Самарқанд, Урганч, Қарши, Термиз, Андижон давлат университетлари ва пойтахтдаги бир қатор олий ўқув юртлари жамоалари лапар айтиш, бахшичилик, рақс ва мушоира каби хилма-хил санъат турларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Жамоаларнинг чиқишларида қадимий анъана ва одатларимиз, миллий ўзига хослигимиз яққол сезилиб турарди. Айниқса, "Наврўз", "Ёр-ёр", "Тўй базми", "Кўпкари" ва "Бешик тўйи" деб номланган саҳна кўринишлари маҳорат билан ижро этилди.

— Гуруҳимиз билан фольклор йўналишида қадимий рақслардан гулдаста тайёрладик, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Ш.Ҳусанова. — Фестивалнинг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритгач, якуний республика босқичида қатнашиш учун таклиф этилдик. Танловда қатнашиш эса миллий санъатимиз тарихи ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўлиш имконини берди.

Тадбир ниҳоясида ғолиблар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди.

**М. ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

***Андижон стол теннисининг бугунги ривожини Шириевлар сулоласисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айримлар ака-ука Альберт билан Тимурдаги шижоат, маҳорат уларнинг отаси Рафиқ акадан "юққан" десалар, бошқа биров оға-инилар эришаётган барча ютуқларни кичик олимпиада номини олган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ўйинлари билан боғлайдилар. Ўша беллашувлар уларни чиниқтирди, toблади, спортнинг катта майдонига олиб чиқди, дея эътироф этадилар. Ҳар иккала мулоҳазадаям жон бор, албатта. Бизнингча, фахру ифтихор билан қайта-қайта таъкидлайдиган яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, мамлакат раҳбари раҳнамолигида спортга, айниқса, болалар спортига берилаётган катта эътибордир.***

# МАҲОРАТ СИНОВИ

Андижон давлат университетида бўлганимизда, жисмоний маданият ва жисмоний тарбия факультети декани Қаюмжон Йўлдошев билан спорт клуби раҳбари Сардорбек Йўлдошевлар «Универсиада-2007» мусобақаларида вилоят шарафини ҳимоя қилишга чоғланган ўнлаб иқтидорли талабалар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Айниқса, стол тенниси усталари ака-ука Шириевлардан умидлари катта эканини айтишди.

Оила соҳиби Рафиқ Шириев стол тенниси бўйича етти бор Ўзбекистон чемпиони бўлган. Бир қатор халқаро мусобақаларда юқори чўққиларни забт этган.

Рафиқ аканинг катта ўғли Альберт теннниснинг сеҳрли оламига дадил кириб келган кезлари Андижон шаҳридаги 2-мактабда билим оларди. Иккинчи ўғли Тимур эса беш ёшда эди. Рафиқ ўғилларини машғулотларга бирга олиб борар, ракетка ушлаш, ўз навбатида, зарба бериш сирасрорларини эринмай ўргатарди. Кунларнинг бирида машғулот охирлаб, зал бўшаб қолгач, ёш Тимур теннис ўйнамоқчи эканини айтди. Рафиқ ўғлининг бу таклифини кўпдан буён кутаётган эди. У ўғлига эмас, Тимур унга мурожаат қилган тақдирдагина ўз зурриёти билан машқларни бошлашни дилига тугиб қўйганди. Негаки, қизиқиш боланинг ўзида бўлсин, интилсин. Ўшандагина у ҳар бир машғулотга талпиниб туради, қийинчиликлардан чўчимайди.

Тимурнинг ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, ракеткани дадил ушлаши, чаққонлиги, зарбани тез илғаб, қарши "ҳужум"га ташланиши стол теннисининг умидбахш ниҳоли бўй кўрсатаётганидан далолат беради.

Тимур биринчи синфга қадам қўйганда унча-мунча теннисчилар билан бемалол беллашадиган, кўпларни доғда ҳам қолдирадиган бўлиб қолган эди. Йиллар ўтди. Ака-укалар мамлакатнинг етакчи спортчилари бўлиб камол топдилар. Ҳатто қаторасига Ўзбекистон чемпиони ҳам бўлишди. Стол тенниси бўйича Швецияда бўлиб ўтган ёшлар фестивалида ҳар иккаласи мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Кейинчалик улар Марказий Осиё биринчиликларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Кўплаб халқаро беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди. Андижон давлат университетининг талабаси Альбертнинг аввалги "Универсиада", мактаб ўқувчиси Тимурнинг "Умид ниҳоллари" ўйинларининг финал мусобақаларида эришган ютуқлари, умумжамоа учун ғоят қимматли очколар келтиргани кўпларнинг ёдида.

— Эрта-индин старт оладиган "Универсиада" мусобақалари жуда кескин курашлар остида ўтади, — дейди Альберт. — Нега деганда, биз, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратиб берилаётган шарт-шароит туфайли жуда қисқа вақт ичида спорт ривожланиб, оммавийлашиб кетди. Кучли спортчилар пайдо бўлди. Жамоалар шаклланди. Биргина бизнинг университетимиздан 70 нафар талаба "Универсиада"да иштирок этади. Уларнинг кўпчилиги номдор спортчилар. Масалан, шахматчи Фаррух Каримовни олиб кўрайлик. Биринчи курсда ўқиётган Фаррух "Баркамол авлод"нинг ўтган сафарги беллашувлари ғолиби. Қолаверса, Ўзбекистон чемпиони. Енгил атлетикачи Дилёр Ўктамов аввалги "Универсиада" иштирокчиси, мамлакат чемпиони, Вадим Безьянов бўлса "Баркамол авлод" мусобақаларида чиниқиб, "Универсиада" баҳсларида "кўзи пишган"лардан. У ҳам Ўзбекистон чемпиони.

Дарҳақиқат, шундай. Бу галги «Универсиада-2007» мусобақалари ана шундай ҳаяжонларга тўла, кутилгану кутилмаган натижаларга бой бўлиши турган гап. Қолаверса, Шириевларга ўхшаб бир оиладан икки спортчининг ушбу беллашувларда олтин медалга даъвогарлик қилаётгани янада аҳамиятлидир. Бир қарашда, бу спорт тарихида камдан-кам учрайдиган воқеа. Лекин юлдузлар кашф этилаётган ва улар спортимиз осмонинигина эмас, жумлаи жаҳонни ҳам безаб турган юртимизда бундай ҳолнинг юз бериши одамларда ҳайрат эмас, кундалик учраб турадиган воқеаликдек қабул қилинишидан қувонмай, фахрланмай бўладими?!

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бўлғуси чемпионлар



М. ҚОДИРОВ олган суратлар.



Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, чекка ва олис қишлоқларда барпо этилаётган спорт иншоотлари ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» каби спорт мусобақаларининг ташкил этилиши спортнинг янада ривожланишига хизмат қилаётир.

Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий талаблар асосида барпо этилган бу муҳташам коллеж бугун том маънода бўлғуси чемпионлар масканига айланган.

— Бу ерда ўқувчилар 19 спорт тури бўйича шуғулланади, — дейди коллеж директори Илҳомжон Турсуналиев. — Бунинг учун 90 нафардан ортиқ тажрибали ва малакали спорт мураббийларини жалб этганмиз. Айни кунларда спорт масканида бир ярим минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўтган йилнинг ўзида коллежимиз ўқувчилари нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, олтмишга яқин олтин медални қўлга киритди.

Нуриддин Янгибоев — 3-курс талабаси. У байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланади. Мамлакат миқёсидаги бир қатор мусобақаларда фаол қатнашган Нуриддин Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси. Яқинда у Францияда ёшлар ўртасида ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хушхабар

***Ўзбекистонлик эркин курашчилар халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.***

# Зўрдан зўр чиқди

Маҳачқалъа (Россия) шаҳрида эркин кураш бўйича беш карра жаҳон чемпиони Али Алиев хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда ҳам полвонларимиз ўз анъаналарига содиқ қолишди.

Мазкур анъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган 150 нафар полвон ғолиблик учун гиламга чиқди. Аҳамиятлиси, мусобақа якунида ўзбекистонлик эркин курашчилар энг кўп олтин медаллар билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ҳамюртларимиздан Дилшод Мансуров (55 кг.) финалда россиялик Николя Старостинни, Сослан Тигиев (74 кг.) грециялик Эмзари Бединидисни, Артур Таймазов (120 кг.) яна бир россиялик курашчи Билол Махов курагини ерга тегизиб, олтин медалларга эгалик қилишди. Сослан Дациев (84 кг.) эса Ўзбекистонга бронза медали билан қайтадиган бўлди.

# Майк Тайсон энди секундант



**Шу йил 2 июнда Атлантик-Сити (АҚШ)да россиялик боксчи Султан Ибрагимов профессионал бокснинг ўта оғир вазнида WBO (Бутунжаҳон бокс ташкилоти) йўналиши бўйича бўладиган чемпионлик жангида америкалик Шэннон Бригзга қарши рингга кўтарилади.**

**Ана шу жангда Султон Ибрагимовга ўта оғир вазнда бир вақтлари мутлақ жаҳон чемпиони бўлган Майк Тайсон секундантлик қилади.**

**Тайсон журналистларга берган интервьюсида жангда шогирди ғалаба қозониши учун машғулотларга алоҳида эътибор бераётганлигини айтиб ўтган.**

# Фақат расмий учрашувларга рухсат

Англиялик тажрибали футболчи Дэвид Бекхэм 2006 йилги жаҳон чемпионатидан сўнг илк бор терма жамоа таркибига чақирилди. У 1 июнь куни Бразилия терма жамоаси билан бўладиган ўртоқлик, 6 июнь куни Эстония футболчиларига қарши "Евро—2008" саралаш учрашувларида майдонга тушиши мумкин.



Аммо ҳозир футболчи тўп сураётган "Лос-Анжелес Гэлакси" (АҚШ) клуби президенти Алекси Лалас бу таклифни кўпам маъқулламади. Бекхэм, аввало, "Лос-Анжелес Гэлакси" клубида ўзини кўрсатиши керак, деди у. Бекхэмга фақат расмий ўйинлардагина рухсат берилади.

Шунга қарамай, Англия терма жамоаси бош мураббийси Стив Макларен ўзаро келишувга эришилишига умид қилаётир.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АСР БИЛАН БЎЙЛАШГАН УМР

### Болалигим, сени соғиндим...

Мўмин бобонинг йиллардан қолган одати бор. Кунига бир маҳал дарё бўйига тушади. Муздек сувга юз-қўлини ювади. Сўнг улкан кўктошга ўтиради. Оқар сувга боқиб хаёл суради. Ўтмишда қолган болалигини, йигитлигини ўйлайди. Болалиги эса... роппа-роса юз йил наридан имлаб тургандек. Ахир уста Мўмин бобо бу йил қовун пишиғида 107 ёшга киради!

Дарё шовуллайди, кумуш тўлқинлар тошдан-тошга сакраб ўйноқлайди. Зеро, бу дарё унинг қишлоғидан оқиб келаяпти. У туғилиб ўсган масканни Чопиқ дер эдилар. Баланд тоғлар қаърига яширинган дўппидеккина бу қишлоқ бобонинг олтин бешиги эди. Уйларининг мойқоғоз ёпиштирилган деразасидан қорли тоғлар, ям-яшил арчазорлар кўриниб турар, ҳар тонг Мўмин бола уйқудан уйғониб, ана шу афсонавий манзарага тўйиб-тўйиб боқарди.

Отаси Холбобо темирчи эди. Саҳар мардондан кўрхонани арча кўмир билан тўлдириб ўт қўяр, Мўмин бола пўстак тўшалган тўнкага ўтириб босқон босарди. Ҳозир ҳам қулоқларига босқоннинг вазмин товуши эшитилгандек бўлди. Мўмин энди етти-саккиз ёшларга қадам қўйган бўз бола эмасми, баъзан устахонанинг оғир ҳавосигами, босқоннинг ёқимсиз дамигами чидамай, беихтиёр кўзлари юмилиб кетарди. Отасининг «Ҳа, бачам!» деган хитобидан чўчиб уйғонар, тағин босқоннинг зилдай оғир тутқичидан торта бошлар эди.

Йиллар ўтиб, ўзи қўлига болға, қисқич олди ва отасининг қабатига кирди. Қизиган пўлатни сувда совутишни, темирга турли шаклу шамойил беришни ўрганди. Чопиқ чорвадор, ғаллакор қишлоқ эди. Бу ердагиларга ўроқ, болта, хаскаш, хокандоз, оташкурак каби буюмлар асқотар эди. Мўминтой ҳадемай бу ускуналарни бемалол ўзи ясайдиган бўлди. Отаси мўмин-қобил, меҳнаткаш ўғил ато этганлиги учун Оллоҳга шукур қилди, ўғлига оқ фотиҳа бериб ўрнига ўтқазди. Бу вақтда Мўмин ўн олти-ўн еттига чиққан, овози дўриллаб йигитлик мавсумига қадам қўйган эди.

### Одамнинг боши – тегирмон тоши

Мўмин бобонинг йигитлик мавсуми йигирманчи асрнинг долғали йилларига тўғри келди. Дунёнинг тинчи бузилди. Мўмин ўн етти ёшга тўлганида «Никалай пошшо тахтдан тушибди» деган гап тарқалди. Ёз ўтди. Куз келганда Косатарош, Алмати, Чопиқ, Оммоғон каби ёндош қишлоқларни чарм куртка кийиб, белига бешотар боғлаган суворий аскарлар босиб кетди. Улар уйма-уй кезиб, кимнинг оти бўлса, бесўроқ олиб кетар, қаршилик кўрсатганларни шўролар номидан отиб ташларди.

Ғала-ғовур, тўс-тўполон билан беш-олти йил ўтди. Энди тоғлар ораси икки хил лашкарнинг жанг майдонига айланди. Бир кечаси пешонасига қизил юлдуз қадаган кўккўз саллотлар бостириб кирса, эртасига чопон кийиб белини боғлаган қоракўз йигитлар зуғум қилади. Бир ҳафтада қирқта қилич ясаб берасан, бўлмаса калланг омонат, дея Мўмин билан отасига милтиқ ўқталади. Икки ёқлама зулм остида қолган бечора Холбобо рўзғорини эшак аравага юклаб, тоғ ичкарисига кўчиб кетишга мажбур бўлди.

Кейин бой-қулоқ деган бало чиқди. Кимнинг икки сигири, тўртта эчкиси ё қулунли бияси бўлса, бас — у бой! Ўзи бадарға қилинади, мол-мулки — давлатники. Одамлар жон ҳовучлаб, уйларидаги ҳайвонларни тоққа ҳайдаб юбора бошладилар. Тоғу тош, кимсасиз адирлар эгасиз молга тўлиб кетди. Аянчли бир воқеа ҳамон Мўминнинг ёдида. Кимнингдир соғин сигири уйини дараклаб келибди. Аммо уй эгаси чақимчиларнинг фитнасидан чўчиб, сигирини ҳовлига киритмабди. Йиғлаб-йиғлаб, сигирини яна далага ҳайдаб юборибди. Уйида эса, ёш болалари бир қошиқ сутга зор бўлиб ўтирган экан...

...Танғоздарё шовуллайди. Атрофга нуқра зарралар сочиб, шўхлик қилади. Бобо сувга тикилади, сув билан бирга гўё бесару сомон кечган йиллари ҳам оқиб келаётгандек эди.

Одамнинг боши — тегирмон тоши, деб бежиз айтишмаган экан. Отасидан сўнг тирикчилик ташвиши ўзига қолди. Уста Мўмин ғариб кулбасига қулф осди, устахона ускуналарини эшакка ортди. Аёли билан қизини йўрға эшакка миндирди-ю, Чимматдара оралаб Сурхон тарафга кетди. Тоғ ортидаги хешларига бориб қўшилди. Хонжизза, Деҳбодом, Чош кентларида темирчилик қила-қила, қирқ ёшни қоралади. Фарзандлар орттирди, рўзғорини бутлади. Соч оқариб, ўғил-қизнинг бўйи етгач, киндик қонинг тўкилган ер тортар экан. Уста Мўмин яна қадрдон Чопиқ қўйнига қайтиб келди. Ота мерос устахонасида яна болғанинг тўқиллаган товуши эшитила бошлади. Одамлар Мўмин ясайдиган буюмларни соғиниб қолишган эди, эшик олди ҳожатмандларга тўлиб кетди...

### Яхши отинг – ярогинг, яхши фарзанд – чирогинг

Шаҳрисабз томонга борсангиз, Танғоздарё бўйидаги Камар қишлоғини зиёрат қилиб, Мўмин бобонинг суҳбатини олиб қайтишни унутманг. Бобонинг турган-битгани ривоят, ҳикоят, сўзлари ҳикматли, пурмаъно. Ахир халқ қарияларнинг йўтали ҳам ҳикматга йўғрилган, деб бежиз айтмаган.

### Инсон ўзинг...

Отахон билан бобоёнғоқ остидаги сўрида гурунглашиб ўтирибмиз. Табиийки, биринчи саволимиз отахоннинг муборак ёши ҳақида бўлди. «Бобо, қандай қилиб шу ёшга етдингиз?» деган сўроғимизни эшитиб, соқолини силаб ўйланмади. Чамаси, у киши одамларнинг бу тахлит саволларига жавоб бераверииб, кўникиб кетган шекилли, дарҳол оғиз очди:

— Дарёнинг пишган сувини ичдик, эчки сутига тўйиб, тоғ гиёҳларидан дармон олдик. Умр бўйи тоза ҳаво шимирдик, қўлимиз меҳнатдан бўшамади, шу касб орқасида эл ичида иззат топдик. Кайф берадиган нарсаларни оғизга олмадик, биров билан уришмадик, ёмонлардан йироқроқ юрдик. Оботаш одамни тоблар экан. Тўқсон йил оловнинг олдида турдик. Қизиган темирнинг иссиғи юзимизни қиздирди. Биз ҳам кундадаги темирга ўхшаб пишдик, шекилли, меҳмонжон.

Бобо тўрттагина кемшик тишини ярқиратиб кулди:

— Шу тишлар ўзимизники. Нон чайнашга яраб турибди. Кўзойнак тақмайман. Эскича, янгича хатлар бўлса, ҳижжалаймиз. Йигирма бир фарзанд кўрдик. Кампирим Сокина биби икки йил бурун қазо қилди, жойи жаннатда бўлсин.

Отахонни овутган бўламиз:

— Болаларингиз бор. Невара-чеваралар... Ёлғизлатиб қўймас.

— Ҳа... Ҳар ким ўз бошини қашлагани дуруст. Тирноқ ўзингизники бўлса, миннат чекмайсиз. Машойихлар айтган «Яхши отинг — ярогинг, яхши бола — чироғинг» деб. Шукур, болалар бошимда соябон, нолисам гуноҳ бўлади.

Биз гурунглашиб ўтирибмиз-у, ҳовлига уч-тўрт ёшдан ўсмиргача бўлган болалар тўлиб кетди. Мўмин бобонинг кенжа ўғли Ҳимматали ҳай-ҳайлаб уларни боғ тарафга ҳайдади. Бободан сўраймиз:

— Невaралар нечта, биласизми?

— Невaралар... бир юздан ошган бўлса бордир, — дейди Мўмин бобо. — Аммо эвара-чевараларнинг сонини билмайман. Невaраларимнинг невaралари ҳам бир талай бўлган эмиш. Тунов куни бир ўсмир бола салом бериб келди олдимга. Кимнинг боласи бўласан, десам, Мўмин бобонинг авлоди бўламан, дейди. Уста Мўминдан тарқаганлар Камарнинг ярмини эгаллаб ўтирибди экан. Яратганга шукур...

Отахон «Ҳали ҳам устахонага кириб турасизми?» деган саволимизга мийиғида кулганча жавоб қилди:

— Одам юздан ошгандан кейин қариб қолар экан. Болға олсам, қўлимда илгаригидай ўйнамайди. Қани, ёшликни бир эслайлик, деб икки ўғилга икки болта ясаб бердим. Худога шукур, қўлда қувват бор экан. Невара-чеварага ёнғоқ чақиб беришга ярайди ҳали. Дасти панжани беринг-чи?

Қўлимни чўздим. Бобо қаттиқ сиқди. Бармоқларим бирбирига ёпишиб қолди. Отахон жилмайди:

— Тўқсон йил болға ушлаган қўл билан қалам тутган қўлнинг фарқи бўлади-да, меҳмонжон.

Юз йиллик бобоёнғоқ тагида юз ёшдан ошган отахон билан суҳбатимиз оёқлади. Хайрлашиб, дарё бўйлаб кетаяпмиз-у, тўқсон йил эл-юртнинг корига яраган Мўмин бобонинг ҳикматли сўзлари қулоғимиз остида жаранглайди:

*Ширинкалом бўл.*
*Совун ҳам иссиқ сувда яхши кўпиради.*
*Аччиқ сўздан аччиқ таом яхши.*
*Сийлагани пулинг бўлмаса, сийпагани тилинг йўқми, барака топкур!*
*Кўр бўлсанг ҳам, кўрнамак бўлма.*
*Яхшилик қил. Яхшиликдан не ёмонлик кўрдингки, яхшилик қилмайсан?*
*Авлодингни тоза тут. Тоза кўзанинг суви ҳам тоза бўлади, бачам.*
*Тикан бўлиб оёққа қадалгунча гул бўлиб кўкракка санчил, чироғим...*

Бобонинг ҳикматларини тасдиқлагандек, Танғоздарё бетиниим шовулларди.

**Саъдулла СИЁЕВ.**
Шаҳрисабз.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5